

«Закот» хайрия жамғармасы мухтожларга ёрдам беришда давом этмоқда



11:00 / 27.05.2021 1591

Татаристон мусулмонлари диний идорасининг «Закот» хайрия фонди уйсиз ва мухтожларга хайрия дастурхонларини ёзишда давом этмоқда. Бу ҳақда tupamaz.ru манбаси хабар беради. 24 май соат 10:00дан бошлаб Қозон шаҳридаги «Бурхон Шаҳиди» номидаги боғда иссиқ овқат бепул тарқатилди. Эҳтиёжмандларга биринчи ва иккинчи таомлар (гўшти шўрва ва палов), нон, чой берилди. Жамғарма ходимлари бир соат ичида 50 дан ортиқ одамни овқатлантирган. Келажакда уйсиз ва мухтожларга иссиқ овқат бериш ҳар жума куни ўтказилади. Хайрия дастурхонларига ташриф буюрувчиларнинг барчаси аҳолининг энг мухтож қатламлари вакиллари: уйсизлар, етимлар, ногиронлар, қийин шароитда бўлган ёлғиз қариялардан иборат.

Татаристон Республикаси мусулмонлари маънавий бошқармасининг «Закот» хайрия жамғармаси ҳам кўнгиллиларни ушбу акцияни ташкил этишда ёрдам беришга чақиради. Истаган ҳар бир киши ушбу хайрли ишда иштирок этиши мумкин. Бунинг учун қуйидаги рақамга қўнғироқ қилиш мумкин: 225-33-22.

Бундан ташқари, Қозон шаҳрида Татаристон Республикаси мусулмонлари маънавий бошқармаси ва АНО Ижтимоий реабилитация ва адаптация марказининг ташаббуси билан қийин ҳаёт шароитида бўлган одамларга 3 та ёрдам пункти мавжуд.

Эҳтиёжмандлар стационар пунктларда озиқ-овқат ва мавсумий кийим-кечак учун мурожаат қилишлари мумкин: Симонова кўчаси, «Раҳматулла» масжиди ҳудудида, Авангардная кўчаси, 58-уй ва Бурхон Шаҳиди, 26-уй. Татаристон Республикаси мусулмонлари диний идорасининг «Муҳтожларга бепул ёрдам» мажмуаси билан ҳамкорлиги АНО «Ижтимоий реабилитация ва адаптация маркази» билан 2014 йилдан бери тузилган шартнома асосида амалга оширилмоқда.

"Муҳтожларга бепул ёрдам" хайрия фаолияти таниқли жамоат арбоби Азат Ғайнутдинов раҳбарлигидаги Реабилитация ва Адаптация Маркази томонидан амалга оширилади.

Мунира Баҳодиржон қизи таржимаси